O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... [library stamp]

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 8 YANVAR ◆ SESHANBA ◆ №4 (26.863)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 январь куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман бошчилигидаги бир гуруҳ сенаторларни қабул қилди.**





— АҚШнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Сенат ўта муҳим роль ўйнайди, — деди Президент учрашувда. — Айниқса, 11 сентябрь воқеаларидан кейин мамлакатда барқарорликни сақлаш ва террорчиликка қарши халқаро кураш борасида унинг фаоллиги янада яққол намоён бўлди.

Кейинги пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақасига диққат-эътибори кучайди. Бу бежиз эмас, албатта. Афғонистонда кечаётган воқеалар сабаб, минтақада юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террор хуружларининг олдини олиш, бу борада ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш халқаро терроpга қарши курашда жонбозлик кўрсатаётган АҚШ учун ҳам, минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ўзбекистон ҳориждан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган юкларни манзилга етказишда фаол иштирок этаётгани, буни халқаро ҳамжамият юқори баҳолаётгани сир эмас.

Учрашувда АҚШ сенаторлари ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни сақлашга, террорчиликка қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, икки томонлама, хусусан, парламентлараро алоқаларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Америкалик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Олий Мажлисида парламент раиси Э.Халилов, Мудофаа вазирлигида ушбу муассаса раҳбари Қ.Ғуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

**Суратда:** қабул пайти

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## BU DUNYONING ISHLARI

### АСТЕРОИД ЕРГА ЯҚИНЛАШДИ



дея, хабар қилади Калифорния Фазо илмий-текшириш институти олимлари. Душанба куни Гринвич вақти билан соат 7 дан 37 минут ўтганда «2001 YB5» деб номланувчи астероид Ерга энг яқин орбитада, яъни Ердан 600 минг километр узоқликдаги ҳаракат траекториясини ҳосил қилди. Бу Ой билан Ер ўртасидаги масофанинг икки баробарини ташкил этади, холос.

Айланаси 300 метр бўлган ушбу «2001 YB5» астероиди эллипс кўринишда ҳаракатланмоқда. Бу эса астероиднинг Ерга тўқнашиш эҳтимолидан узоқда эканлигини англатади.

Шундай бўлса-да, олимлар астероиднинг бундай яқинлашишини космик ўлчамларда олиб қаралса жуда қисқа масофадир, дея баҳолашмоқда.

### ТОНИ БЛЭР ПОКИСТОНДА



Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У Ҳиндистон ташрифидан сўнг, Покистонга йўл олди.

Т.Блэр якшанба куни Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари билан терроризмга қарши кураш, Ҳиндистон-Покистон муносабатлари ҳамда террористик гуруҳларнинг молиявий манбаларини йўқ қилиш борасида музокаралар олиб борди. Музокаралар сўнггида икки томонлама Декларация имзоланди. Бош вазирнинг ўзи Ҳиндистон ташрифини самарали ўтди, дея баҳоламоқда.

Покистон ташрифи ва ядровий қуролга эга бу икки давлат ўртасидаги муносабатга Бош вазирнинг қанчалик таъсир ўтказишини эса вақт кўрсатади.

Буюк Британия Бош вазирининг Покистонга ушбу сафари охирги уч ой оралиғидаги иккинчи ташрифидир.

### КЕСКИНЛИК САҚЛАНМОҚДА



Куни кеча Непал пойтахти Катмандуда Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмасига аъзо давлатларнинг саммити ниҳоясига етди. Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Малдив, Непал, Покистон ва Шри-Ланка раҳбарлари Ҳиндистон-Покистон можароси авжга чиққан пайтда учрашди. Табиийки, икки қўшни давлат ўртасидаги кескинлик анжуман руҳига таъсир қилди. Шунга қарамай, томонлар минтақада юзага келган муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатликда бартараф этиш ва интеграциялашув жараёнини жадаллаштиришга келишиб олди. Умуман олганда, ўн етти йиллик тарихга эга мазкур уюшма фаолияти 1998 йили тўхтаб қолгани ва Ҳиндистон-Покистон можароси кучайиб бораётганини ҳисобга олсак, анжуман ўтказилишининг ўзи ҳам катта воқеа бўлди.

Кузатувчилар Катманду саммити ҳақида гапирар экан, унда кўрилган асосий масала — Ҳиндистон-Покистон муносабатларининг ҳозирги аҳволини эътибордан соқит қилмаслик керак эди, деган фикр билдирмоқда. Анжуман мазкур икки давлат раҳбарларини юзма-юз учраштириш имконини берди. Бироқ, хабарларга қараганда, Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан Покистон Президенти Парвез Мушарраф саломлашишдан нарига ўтмаган. Ҳатто, Ҳиндистон делегацияси раҳбари анжуман сўнггида бўлган норасмий учрашувда ҳам қатнашмаган. Унинг ўрнига иштирок этган ташқи ишлар вазири Жасвант Синҳ эса Покистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдусаттор билан суҳбат қурмаган. Бир сўз билан айтганда, саммит икки давлат ўртасидаги кескинликни юмшата олмади.

Табиийки, икки қўшни давлатнинг бундай ҳаракатлари Жанубий Осиё минтақасида барқарорликни издан чиқариш хавфини туғдирмоқда.

Икки мамлакат раҳбарларига муаммони ҳал этишда тинч музокаралардан самарали фойдаланиш зарур экани аён. Урушга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки икки мамлакат ҳам ядро қуролига, улкан ҳарбий салоҳиятга эга. Афғонистонда юз бераётган воқеалардан хулоса қиладиган бўлсак, Ҳиндистон-Покистон чегарасида юзага келаётган беқарорлик минтақага нечоғли хавф туғдиришини тасаввур қилиш қийин эмас.

### МОСКВАДА ИЗҒИРИН



Москва об-ҳавони кузатиш маркази пойтахт аҳолисини ҳароратнинг кескин пасайиши кутилаётгани билан огоҳлантирди. Совуқ оқимнинг кириб келиши 7 январь тунидан бошланади. Москвада 18-20 даражагача, пойтахтга яқин туманларда эса 22 даражагача изғирин бўлиши кутилмоқда.

Об-ҳавони кузатиш маркази шу муносабат билан аҳолини ваҳимага тушмасликка чақирди.

**Internet хабарлари асосида тайёрланди**

## ОФАРИН, АРТУР!



— Ўғлимни ҳар сафарги жанги олдидан ҳаяжонланмай иложим йўқ, — дейди Артурнинг онаси Клара опа. — Бу гал ҳам жаранглаган қўнғироқдан ҳушёр тортиб, телефон гўшагини қўлга олдим-у, ўзимга келдим. Ўғлимга қанчалик қийин бўлмасин, Оллоҳ унга мададкор бўлиб яна ғалабага эришди.

Шундай бўлди, Германиядан хушхабар келди. Қатор йиллардан бери профессионал боксчилар сафида юлдузлардан бири бўлиб турган моҳир чарм қўлқоп устаси Артур Григоряннинг яна юзи ёруғ бўлди. Жаҳон чемпионлиги камарини маҳкам боғлаган бу йигит 16-марта рингга кўтарилди. Унинг шарафига мадҳиямиз таралиб, байроғимиз ҳилпиради. У мексикалик Роки Мартинс билан рингга чиқди. 31 ёшли Роки Лотин Америкаси чемпиони бўлиб, жами 35 та жанг ўтказган ва 31 марта ғалабага эришган. Артур Роки билан олишувнинг саккизинчи раундига борганда техник накаут билан зафар қучди. Биз унга бундан буён ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

## БМТ СОВҒАСИ

— Бухоро давлат университети БМТдан сайёрамизнинг наботот ва ҳайвонот олами, атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари хусусида ҳикоя қилувчи 19 та видеокассета олди, — деб таъкидлади «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими раиси Е.Ҳайитов.

Университет атроф-муҳит муҳофазаси бўйича кўплаб илмий тадқиқотларнинг муаллифи ҳисобланади. Эндиликда ўқув даргоҳида экология кафедраси очилиб, 15 нафар талаба эколог ихтисоси бўйича тайёрланяпти. БМТ ўз совғасини айнан шу талабаларга жўнатди.

■ **«Туркистон-ПРЕСС»**

## ОВУЛЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ

Сув танқислигидан зарар кўраётган туманлар аҳолисига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, овулларда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тахтакўпир туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг «Қорауй» маҳалласида 35 ўринли даволаш маркази фойдаланишга топширилди. Уни Оролбўйи қурилиш бирлашмаси бунёд этди. Қораўзак туманн марказида қурилаётган туғруқхона мажмуасининг биринчи навбати, бир кунда 100 кишига хизмат кўрсатувчи поликлиника биносини 319-туманлараро кўчма механизациялашган жамланма битказиб берди. Даволаш маркази замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 8 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 356,89 |
| 1 Австрия шиллинги | 44,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 994,01 |
| 10 Бельгия франки | 153,04 |
| 1 Голландия гульдени | 280,15 |
| 10 Греция драхмаси | 18,13 |
| 1 Дания кронаси | 82,91 |
| 1 БАА дирхами | 187,38 |
| 1 АҚШ доллари | 688,18 |
| 1 Миср фунти | 150,92 |
| 10 Испания песети | 37,10 |
| 100 Италия лираси | 31,88 |
| 1 Канада доллари | 431,60 |
| 1 Хитой юани | 83,15 |
| 10 Люксембург франки | 153,04 |
| 1 Малайзия рингтити | 181,12 |
| 1 Германия маркаси | 315,65 |
| 1 Польша злотийси | 176,46 |
| 1 СДР | 867,48 |
| 1000 Туркия лираси | 0,49 |
| 1 Финляндия маркаси | 103,83 |
| 1 Франция франки | 94,12 |
| 1 Швейцария франки | 417,71 |
| 1 ЕВРО | 617,37 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,29 |
| 10 Япония иенаси | 52,63 |
| 1 Россия рубли | 22,83 |
| 1 Украина гривнаси | 129,88 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

## ЎНТА БЎЛСА, ЎРНИ БОШҚА

**Жиззах вилоятида чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда**

*— Ҳукуматимизнинг 2000-2005 йилларда чет эл сармояларини жалб қилиш ҳисобига қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан белгиланган давлат дастурига кўра ўтган йилда вилоятда хориж сармоядорлари кўмагида 4 та қўшма корхона ташкил этиш кўзда тутилганди, — дейди Жиззах вилояти ташқи иқтисодий алоқалар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдумалик Ҳазратқулов. — Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги, бу борадаги хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳисобига 10 та қўшма корхона очилди.*

*Шулардан бири сентябрь ойида иш бошлаган «ЛРС Пласт» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидир. Жиззах шаҳридаги биринчи қурилиш материаллари комбинати базасида барпо этилган ва йилига 4 миллион тонна полиэтилен қувурлар тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада ҳозиргача 228,3 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.*

*«Бахмал-шароб» акциядорлик жамияти базасида ташкил этилган «Бахмал-консерва» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида дастлабки тонна олма шарбати ва томат пастаси ишлаб чиқарилганига эса анча бўлди.*

*Пахтакор тумани марказида ташкил қилинган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган «ЎзПолтекс» Ўзбекистон — Польша қўшма корхонаси ҳозиргача 1460 минг сўмликдан зиёд трактор двигателларини таъмирдан чиқарган Мирзачўл туманидаги «ММЗ» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, йилига 300 тонна қуритилган мева ва сабзавот ишлаб чиқариш қувватига эга Зарбдор туманидаги «Зарзамин» Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда.*

*Қўшма корхоналарнинг ишга тушиши билан вилоятнинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси ортаяпти ва хорижга маҳсулот экспорт қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Хусусан, «Ғаллаорол-консерва» акциядорлик жамияти қошида барпо қилинган «Балтимор-Ғаллаорол» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси тамғаси билан ишлаб чиқарилган 968,4 минг АҚШ доллари қийматидаги томат пастаси, мева шарбати ва консервалар хорижга экспорт қилинди.*

*— Ўнта бўлса, ўрни бошқа, деган гап бор, — дейди Абдумалик Ҳазратқулов. — Бу йил вилоятда яна 6 та қўшма корхонани ишга тушириш дастурга киритилган. Ҳозир уларни молиялаштириш, жиҳозлаш ишлари давом эттириляпти. Чунки, хориж сармояларини ишлаб чиқаришга жалб этиш эвазига қўшма корхоналар ташкил этиш қўш имкониятга эга бўлиш демакдир.*

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ШАҲРИ КЕШ — 2700 ЁШДА

Эзгулик дарахтининг илдизидан янги-янги ниҳоллар бўй кўрсатаверади. Бундан бир неча йил муқаддам соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар шаҳарсозлик, жумладан, Шаҳрисабз шаҳри тараққиёти масалаларини ўрганишга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти, Миллий университетимизнинг тадқиқотчилари олиб борган изланишлар, жаҳоннинг қатор давлатларидан келган олимлар иштирокидаги анжуманларда Шаҳрисабзнинг ёши аниқланди.

Мамлакатимизга ЮНЕСКО қароргоҳидан яна бир хушхабар келганига кўп бўлгани йўқ. Бу халқаро нуфузли ташкилот дунёдаги энг нодир ёдгорликлар рўйхатидан жой олган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги 2002 йилда нишонланишини маълум қилди. Бу билан нафақат юртимиздаги, балки жаҳонда энг қадимий маданият эътироф этилмоқда.

Шаҳрисабз туман ҳокимининг ўринбосари З.Қўзиевнинг айтишича, тадбирлар фақат қадимий Кешнигина эмас, балки бутун шаҳарсозлик тарихини ҳам қамраб олади. Чунки илк шаҳар ҳақида мозийдан хабар берган Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари ҳозир Китоб тумани ҳудудида. Демак, бир олманинг икки палласи бўлган икки туман тарихи, ёдгорликлари ҳам изчил ўрганилмоғи лозим. Хуллас, бу катта тўй бўлажак.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

## МАКТАБ ШУ ЙИЛ ҚУРИБ БИТКАЗИЛАДИ

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Катта Араб қишлоғида яшовчи Б. Узоқовнинг қишлоқ ҳудудида янги мактаб биноси қуриш тўғрисида таҳририятга ёзган хати юзасидан шуни маълум қиламиз:

Қамаши тумани, Катта Араб қишлоғидаги 33-сонли мактаб учун янги бино қурилиши ҳақиқатан ҳам 2003 йил режа-дастурига киритилган.

Вазирлик, зилзиладан зарар кўрган ушбу мактаб учун янги бино қурилишини 2002 йил вилоятнинг Капитал қурилиш манзилий дастурига киритилишини сўраб Қашқадарё вилояти ҳокимиятига мурожаат этган.

Вилоят ҳокимияти халқ таълими бошқармасидан олинган 17.12.2001 йил 01-3/735-сонли маълумотга кўра, 33-мактаб биноси қурилиши 2002 йил режа-дастурига киритилди. Ҳозирги кунларда вилоят ҳокимлиги Капитал қурилиш бошқармаси томонидан пудратчи ташкилот белгиланиб, унга 20,0 млн. сўм аванс маблағи ўтказилган. Шу кунларда объектда ер ишлари бошлаб юборилган. 2002 йилда янги мактаб биноси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

■ **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.АҲЛИДИНОВ**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

# НОНИ БОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

*Кейинги йилларда ёғингарчилик анча камайганлиги пахта, шоли ва ғаллага ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўтган йил ҳам шундай бўлди. Пировард натижада йиллик режалар бажарилмай қолди. Айниқса, ғалла ҳосили яхши бўлмади. Аслида Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси эҳтиёжи учун бир йилга 120 минг тонна ғалла кифоя қилади. Ўтган йил эса ана шу эҳтиёжнинг атиги олтидан бир қисми, яъни 20 минг тонна ғалла етиштирилиб, омборларга жойланди, холос. Лекин ўрим-йиғим мавсумида Қорақалпоғистондаги комбайнлар қантариб қўйилгани йўқ. Техника воситалари Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларга ёрдамга жўнатилди. Механизаторлар ҳам кўмакка отланишди. Демак, улар даромадсиз қолишмади.*

*Қорақалпоғистонда ғалла ҳосили кам бўлган эсада, лекин нон заводлари, новвойхоналар, донни қайта ишлаш корхоналари аниқ маромда ишлаб турибди. Бунинг сабаби шуки, Ўзбекистон ҳукумати, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси ёрдами билан Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва бошқа вилоятлардан кўплаб ғалла келтирилди. Ваҳоланки, сентябрь ойларида айрим бесабр кишилар ваҳимага берилганди. Гўё Орол ҳавзасида ғалла бўлмай қолганлиги учун заводлар тўхтаб қолармиш-у, Қорақалпоғистонда ун ва ун маҳсулотлари тақчил бўлармиш. Ҳарқалай, ана шундай оғзига кучи етмаган ғийбатчиларнинг ваҳималари барҳам топди.*

*Ҳамма жойда — Нукусда, Хўжайлида, Тахиатошда, Кегайлию Чимбойда, хуллас, барча шаҳару қишлоқларда ун ҳам, нон ҳам етарли. Нон заводлари бир маромда ишлаб турибди. «Қорақалпоғистон дон маҳсулотлари» уюшмаси раҳбарлари ҳам корхоналарни хомашё билан таъминлаш борасида тинмай ғамхўрлик қилишмоқда.*

*«Нукус ун» очиқ акциядорлик жамиятида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Жамият бошқаруви раисининг ўринбосари — бош муҳандис Мадраим Бекбаулиев билан корхона цехларини айландик. Омборда ғалла сероб. Тегирмон эса тўхтовсиз ишлаб*



*турибди. Ишчи-хизматчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Тайёр маҳсулотлар омборида эса турли навдаги ун ортилган қоплар. Сифатли маҳсулот пешма-пеш истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.*

*— Айни кунларда биз истеъмолчиларнинг талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда аниқ маромда ишлаяпмиз, — дейди Мадраим Бекбаулиев. — Ўтган йил қарийб 30 минг тоннадан ортиқ буғдой қайта ишланди. 22 минг тоннадан зиёд «Ўзбекистон» навли ун тайёрланди. Кўплаб чорва озуқаси ҳам ишлаб чиқарилди.*

*Корхонада мана бир неча йилдирки, макарон цехи ҳам ишлаб турибди. Мазкур цехнинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2000 йили 113 тонна сифатли макарон ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 160 тоннадан ошди.*

*— Яқинда корхонамизга «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясининг бевосита ёрдами билан Қозоғистон Республикасидан 12 минг тонна буғдой келди, — дейди М. Бекбаулиев. — Бу қаттиқ буғдой бўлиб, ундан сифатли макарон ишлаб чиқарамиз. Умуман олганда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бинобарин, омборларимизда ғалла янги ҳосили етилгунча қайта ишлашимизга етарли.*

*Корхонада меҳнат қилаётган 180 нафар ишчи-хизматчи ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Одамларга ишлаш ва дам олиш учун барча шароитлар яратилган. Маош ва мукофотлар ўз пайтида берилмоқда. Саломатлик масканлари ишчилар хизматида.*

*Яна бир гап. Корхонанинг «Бештюбе»даги ёрдамчи хўжалигида 150 бош қўй, 15 бош қорамол ва 150 бош чўчқа парваришланмоқда. Асаларичилик ҳам йўлга қўйилди. Тайёр маҳсулот эса ишчилар ошхонасига етказиб берилади. Бундан ташқари одамларнинг ўзига арзон нархда сотилади.*

*Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик корхона — «Тахиатош дон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Негаки, бу корхона ўтган йили 9 минг тонна маҳаллий буғдой қабул қилиб олган бўлса, бошқа вилоятлардан кўплаб ғалла келди. Чунончи, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан 38 минг тонна сара дон олинди. Яқингинада эса корхона омборига қўшни Қозоғистон Республикасидан 33 минг тонна қаттиқ буғдой келтирилди.*

*Бу ўз-ўзидан акциядорларнинг кайфиятини кўтарди. Негаки, корхона ишида узилиш бўлмайди-да. Сентябрь ойида 3300 тонна буғдой қайта ишланган бўлса, октябрда 4 минг тонна, ноябрда эса 4100 тонна ғалла унга айлантирилди. Ўтган йилнинг ўн ойи давомида ишлаб чиқарилган ун барча истеъмолчиларни тўлиқ таъминлашга кифоя қилди. Шу вақт ичида корхонадагилар 89 миллион сўм соф даромад олишди.*

*— Энг муҳими корхонамизда бир маромдаги жараён давом этмоқда, — дейди акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Пўлат Хўжанов. — Чунки бутун Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ризқ-насибаси асосан шу ерда тайёрланади. Биз эса ўз навбатида зиммамиздаги барча вазифаларни бажаряпмиз. Шу боис ёз ойларида таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Кўпгина дастгоҳлар янгиланди. Тегирмонда эса ўзига хос тартиб ўрнатилди. Корхонамизда 785 киши меҳнат қилади. Улар ўз вақтида*



*ойлик маошларини олиб турадилар. Бундан ташқари йил якунлари бўйича мўмайгина дивиденд ҳам оладилар.*

*Корхонада бутун Қорақалпоғистон Республикасини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш қувватига эга бўлган қувватлар мавжуд. Бу ерда бир кеча-кундузда 500 тонна аралаш озуқа ишлаб чиқарилади Лекин кейинги йилларда бу соҳада айрим муаммолар пайдо бўлди. Яъни сув тақчиллиги туфайли озуқа экинлари ҳам яхши ривожланмай қолди. Кўпгина хўжаликлар марказлашган усулда корхонага маккажўхори донини топширмай қўйишгани туфайли озуқа тайёрлайдиган қувватлар тўхтаб қолаёзган эди. Ҳозир эса ана шу озуқа цехини аниқ маромда ишлатиш чоралари кўриляпти. Яъни, маккажўхори ва бошқа экинларни етиштирувчи хўжаликлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиляпти. Айниқса, шахсий ва фермер хўжаликларининг бу борадаги имконияти катта. Акциядорлик жамияти улардан имтиёзли шартларда хомашё сотиб оляпти. Бунинг устига чўлда ўсиб ётган янтоқ ва бошқа ўсимликларни йиғиштириб келиб, уларни ҳам аралаш озуқага қўшишнинг аҳамияти катта. Биринчидан, бу усулда озуқа бирлиги кўпайса, иккинчидан, унинг нархи арзонлашади.*

*Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган аралаш озуқа паррандачилик фабрикаларига, деҳқон-фермер хўжаликларига, қолаверса, аҳолига сотиляпти.*

*Айтмоқчи, акциядорлик жамиятининг шахсий ёрдамчи хўжалиги ҳам мавжуд. Бу ерда 607 бош чўчқа боқиляптики, бу соҳадан корхона яхшигина даромад олаётир. Яъни, етиштирилган гўшт колбаса цехларига сотилмоқда. Бундан ташқари, 19 бош қорамол, 16900 дона парранда боқилаётир. Энг муҳими, буларнинг барчаси корхона иқтисодини янада ошириш, ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.*

*Ҳозир айни қиш фасли. Эл ризқини яратаётган корхоналар тўхтовсиз ишлаб турибди. Демак, ун ва ун маҳсулотлари, пировардида нон сероб. Нони борнинг эса кўнгли тўқ.*

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

**Суратларда:** «Нукус ун» очиқ акциядорлик жамиятидаги иш жараёнидан айрим лавҳалар.

---

МОЛИЯВИЙ ИҚЛИМ

# ҚАЙТА ТУҒИЛАЁТГАН ЭЛЛИН

2002 йил 1 январь Европа Иттифоқи деб аталмиш ҳамжамият ҳаётида муҳим саналардан бирига айланди. 1999 йил 1 январдан 2001 йил 31 декабргача давом этган ўтиш даври ниҳоясига етгач, евро нақд пул бирлиги сифатида муомалага киритилди. Мазкур пул бирлиги истифода этиладиган Евро ҳудуди Европа Иттифоқига аъзо 12 давлатни қамраб, 2002 йил 28 февралгача тегишли давлатларнинг миллий валюталари билан тенгма-тенг истеъмолда бўлади. 2002 йил 1 мартдан бошлаб, ягона пул бирлиги сифатида қабул қилинади.

Ягона ташқи сиёсат, ягона божхона ҳуқуқи, ягона иқтисодий ҳудуд ва умумий савдо сиёсати юргизаётган мазкур давлатлар уюшмаси эндиликда ягона пул бирлигига ҳам эга бўлдилар. Демак, ҳадемай олмон маркаси, француз франки, италян лираси, португал эскудоси, нидерланд флоринаси ва бошқа миллий валюталар ўз ўрнини еврога бўшатиб берадилар ва тарих саҳифаларидан жой оладилар. Ягона пул бирлигининг евро деб аталишига келсак «евро» атамаси мустақил луғавий маъно англатмайди, балки у «европа» сўзининг қисқартма шакли, холос. Мазкур атама 1995 йил 15-16 декабрда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи Мадрид Кенгашида қабул қилинган эди. Унинг пиктографик рамзи сифатида «европа» сўзидаги бош ҳарфга белбоғ кўринишида кўндаланг икки чизиқча тортиш билан ҳосил қилинадиган грекча эллипс ҳарфи тасвири муносиб топилди. Бу билан Европа тараққиётининг қадимги ўчоғи ва бешиги Эллин маданиятига ишора бор.

Халқаро валюталар муносабатларида ҳам давлатлараро ҳисоб-китоб ва тўлов воситаси сифатида евро 1979 йил 1 январдан амалга киритилган ЭКЮ (european currency unit) вазифасини бажара бошлайди.

Европа ҳамжамияти аҳолисининг ҳам янги пул бирлигига ишончи тобора ортиб бормоқда. 1998 йил ўтказилган сўровлар натижасига кўра, фақатгина 48 фоиз аҳоли еврони ижобий кутиб олган эдилар. 2000 йил IPSOS тадқиқот маркази ўтказган сўровлардан маълум бўлдики, Испанияда 69 фоиз, Италияда 66 фоиз, Францияда 63, Олмонияда 53 фоиз аҳоли ягона пул бирлигига нисбатан ўз ишончларини билдирганлар. Европанинг илғор давлатларидан бири Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 43 фоизни ташкил этди, холос. Шунингдек, ягона пул бирлиги евронинг 2002 йил 1 январдан нақд муомалага киритилиши ва 12 аъзо давлатни (Британия, Дания, Швециядан ташқари) қамраб олган евро ҳудудининг барпо этилиши ҳам бир қатор ижтимоий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Евро, шубҳасиз, интеграцион тараққиётдаги янги босқичдир. Лекин айрим мутахассисларнинг фикрича, ягона иқтисодий ҳукумат, бюджет, ижтимоий ва солиқ сиёсатида муқобиллашган мурватларнинг мавжуд эмаслиги ягона пул сиёсатидан кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, евронинг муомалага киритилиши билан ҳамжамият давлатларининг иқтисодий салоҳиятлари янада ортиши кутилмоқда. Миллий валюталарни алмаштириш кўпмиллатли корхона ва тадбиркорларга муайян қийинчиликлар туғдираётгани боис бундан энг кўп манфаатдор томонлар ҳам айнан тадбиркорлар тоифасидир. Европанинг оддий фуқароларига келсак, улар ҳам умумевропа қадриятларининг қўл билан ушлаш мумкин бўлган рамзига эга бўлдилар. Буларнинг барчаси бутун дунё халқлари учун илм, фан, маърифат, санъат, иқтисод соҳасида классик намуна бўлиб хизмат қилган қадим юнон маданияти қайта туғилаётганидан дарак бермоқда.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси**

---

XORIJDA

# АҚШ: ЯНА САМОЛЁТ ТЎҚНАШУВИ

**АҚШ осмонўпар биноларидан бирига яна бир самолёт келиб урилди.**





*11 сентябрь террористик актидан буён америкаликлар бундай ҳаракатдан юрагини олдириб қўйишган. Афсуски, ўтган якшанба куни бундай шумхабар яна юракларни ларзага солди. Атиги бир неча кун олдин ҳукуматнинг фавқулодда ҳолат муддатини узайтириш бўйича эълон қилган қарори-ю шу қарор бўйича федерал разведка хизматининг мамлакатда террористик актлар содир этилиши эҳтимолдан холи эмас, деган баёноти бу шумхабарни янада бўрттириб юборган бўлса, ажабмас.*

*Бир моторли енгил самолётни олиб қочган 15 ёшли Чарльз Бишоп огоҳлантиришларга қарамасдан Тампа шаҳридаги 42 қаватли Bank of America биносининг 28 қаватига келиб урилган.*

*Флорида штати бошлиғи Бенни Холдернинг журналистларга берган маълумотига кўра, жиноятчи ўз қилмишини содир этишдан олдин қолдирган хатида, у биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодинга хайрихоҳ эканлиги ҳамда 11 сентябрь терактларига нисбатан ижобий муносабатда бўлганлигини билдирган.*

*Шунингдек, Бенни Холдер ҳозирча Чарльзнинг бирор террористик ҳаракатларга алоқаси бор-йўқлиги тўғрисида бирон-бир маълумот мавжуд эмаслигини ҳам айтиб ўтади.*

*Шу куннинг ўзидаёқ Федерал разведка хизмати томонидан Ч.Бишопнинг ота-онаси тергов қилинган. Унинг буюмлари, компьютер файллари кўздан кечирилган, электрон почта орқали боғланишда бўлган кишиларнинг шахси аниқланган.*

*Ота-онасининг тан олишларича, Чарльз одамови бўлиб, саноқли дўстлари бўлган. Ўз мақсад ва интилишлари тўғрисида яқинлари билан гаплашишни ёқтирмаган. Айтганча, у хатида ҳам бу қўпорувчиликни ёлғиз ўзи бажарганлигини ёзган.*

*Воқеа қандай бўлган эди?*

*Palm Harbor ёзги авиамактабининг талабаси бўлган Чарльз амалиёт пайтида инструктор буйруғига бўйсинмасдан «Cessna 172» русумли самолётни олиб қочган. Сўнгра, чегара қўриқлаш бўлинмаси (Coast Guard) буйруғига ҳам итоат этмай тўғри Тампа шаҳрига қараб учади. Шу вақтнинг ўзидаёқ махсус бўлинманинг «F-15» русумли икки қирувчи самолёти унинг изига тушишади. Ерга қўниш бўйича айтилган барча огоҳлантиришлар самарасиз кетади. Шаҳар устида бўлганлиги сабабли самолётни уриб туширишга шошилишмайди.*

*Ушбу қўпорувчилик ҳаракати туфайли фақат Bank of America биносининг самолёт урилган қисмигина бузилганлиги айтилмаса, жиноятчи-учувчидан ташқари ҳеч ким жароҳатланмаган.*

*Ҳа, кўрилган зарар миқдори айтишга ҳам арзимас, аммо бугун америкаликлар бундай ҳаракатларнинг бошқа қайтарилмаслиги, тинч-осуда ҳаёт учун янада бирдамликка, жипслашишга чақириқлар билан чиқишмоқда.*

## ТЕРРОРЧИНИНГ СУЮКЛИСИ

**Бугун New York Post яна бир шов-шувли хабарни тарқатди.**

*Хабарда Яманда Усама бин Лодиннинг суюкли хотинларидан бири, учинчи хотини — Амал Аҳмад ал-Сада қўлга олинганлиги айтилади. Ундаги таърифга кўра ал-Сада баланд бўйли, қорамағиз, узун қора соч, бодомқовоқ, 20 ёшлар атрофидаги жувон экан.*

*Яман полицияси у билан бин Лодиннинг қизи Софияни ҳам қўлга олган. Ал-Саданинг отаси эса ўтган йили қамоққа олинган эди. Аммо, террорчининг суюклиси бин Лодиннинг кейинги ҳаёти ҳақида ҳеч нарса айтолмаяпти.*

## ЛОЙИҲА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Кейинги пайтда Аргентинада содир бўлаётган воқеалар изчиллиги жаҳон оммасини ўзига қаратиб келмоқда. Кетма-кет президент алмашинуви-ю молиявий инқироз оқибати туфайли халқнинг намойиши янги президент Эдуардо Дуалденинг илк ислоҳотлари билан сал босилгандек.**



Ўтган ҳафта охирида ҳукуматнинг янги таркиби тасдиқланди. Душанба куни эса янги иқтисодиёт вазири Хорхе Ремес Леницов молиявий инқироздан чиқиш режасини оммага эълон қилди.

Дастурга кўра тез кунда ҳукумат парламентга фавқулодда ҳолатга мўлжалланган давлат бюджети таркибини тақдим этади. Февраль ойининг бошларида эса, Халқаро валюта фонди билан мамлакатнинг ички улкан қарзларини енгиллаштириш ва уларни қайтариш муддатини узайтириш бўйича ўзаро келишувлар бўлиб ўтади.

Шунингдек, вазир Халқаро валюта фондидан узоқ муддатга мўлжалланган қўшимча 20 миллиард миқдоридаги янги кредит линиясини очишга ҳам уриниб кўради.

Булар ҳали режа. Айни пайтда эса аргентиналиклар инфляция даражасининг кескин кўтарилишидан молиявий зарар кўришмоқда. Атиги бир неча ой ичида миллий валюта – песо АҚШ долларига нисбатан 30 фоиз қийматини йўқотди.

Ҳукумат чет эл инвесторларининг мамлакатдан чиқиб кетишидан ҳам хавотирга тушмоқда. Молиявий инқироз уларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатдаги йирик инвесторлар – АҚШ ва Испаниядир. Улар мамлакатдаги йирик ишлаб чиқариш объектларини хусусийлаштириб олишган.

## НАРКОТИКЛАРСИЗ ДУНЁГА ЙЎЛ



Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай Американинг NBC телекомпаниясига интервью берар экан, у бундан буён афғон ери ажал уруғи бўлган наркотик моддаларни етиштиришни тўхтатади, дея ваъда берди.

Шу вақтгача Афғонистон энг йирик наркотик модда етиштирувчи мамлакат бўлиб келган. Халқнинг даромади ҳам шундан. Албатта, мамлакат қишлоқ хўжалигини маълум экинларга ихтисослаштириш, уни ривожлантириш катта маблағларга бориб тақалади. Зеро, бундан бошқа йўл йўқ.

Карзай бу масалани тез кунда Вашингтонга қиладиган сафарида ҳам кўтариб чиқмоқчи.

---

ИНТЕР-СПОРТ

## ПЕШҚАДАМНИНГ МАВҚЕИ

Бир ой олдин, тўғрироғи, ўтган йилнинг 8 декабрида навбатдаги учрашувни ўтказган «Манчестер Юнайтед» футболчиларининг ўйинларини кўрган мухлислар бу жамоада кескин бурилиш борлигига имон келтиришган эди. Гап шундаки, премьер-лига чемпионати иштирокчиси бўлган бу жамоа кетма-кет олти марта ғалабага эришиб, тўплар нисбатини 20:4 га етказиб олди. Пешқадамнинг мавқеи мустаҳкамланишида жамоа мураббийи Алекс Фергюсон ҳужум, ярим ҳимоя чизиқларини ҳар жиҳатдан яхшилашга имкон топди. Жамоанинг ван Нистелрой, Верон, Блан каби ўйинчиларининг мухлислари кўпайиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

## БАРМОҒИНИ СИНДИРИБ



Швеция хоккей терма жамоасининг ҳимоячиси Маркус Парпансон навбатдаги учрашувда бармоғини синдириб қўйди. Ваҳоланки, у Швеция олимпия терма жамоасининг аъзоси ҳисобланади. Ўз майдонида «Florida Panthers» жамоаси устидан 6:0 ҳисобида устун келган «San Jose Sharks» муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшган Маркус рақиблар тарафидан зарб берилган кучли шайбани қайтариш чоғида жароҳат олди. Бу жароҳат хоккейчини қишки олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришида панд бериши мумкин.

## ЙИГИТЛАРДАН КЎНГЛИМ ТЎҚ

Милан шаҳрида «Лацио» — «Интер» жамоалари ўртасида ўтказилган навбатдаги учрашув 0:0 ҳисобида тугашига қарамай бу ўйинга турлича баҳо берилди. Хусусан, «Лацио» клубининг мураббийи Альберто Дзаккерони дурангни адолатли деб ҳисоблайди. «Сўзсиз ўйин вақтида ҳисобни очишга имкониятимиз бўлишига қарамай омад биздан юз ўгирди, — гапида давом этади мураббий. — Бунинг устига йигитларимиз бироз чарчашган эди. Майдонга Мендьетни тушириб ҳаракатларда ўзгариш ясамоқчи бўлдим. Лекин бу ният ҳам зое кетди».

«Лацио» кучли жамоалардан, — деб таъкидлайди «Интер» президенти Массимо Моратти, — бизга эса биттагина очко етмай қолди, холос, бўлмасам, пешқадам бўлиб олардик».

## УСТОЗНИНГ ЭҲТИЁТКОРЛИГИ



Россия футбол терма жамоасининг бош мураббийи Олег Романцев бўлажак жаҳон чемпионатига ўзига хос ҳозирлик кўрмоқда. «Н» гуруҳига кирувчи Тунис футболчилари билан ўтказиладиган учрашув қандай кечишидан қатъи назар Африка жамоасининг ютуқ-камчиликларини олдиндан билиш зарар қилмаслигини яхши билган Олег Романцев шу юмуш билан шуғулланишга Владимир Федотовни маслаҳатчи сифатида ёллади. Энди Владимир Тунис футболчилари ҳақида барча ахборотларни тўплашга мажбур.

